

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти барча овоз берувчи  
оддий акциялари Ягона акциядорининг  
1 - сонли қарори**

**2024 йил 5 феврал**

**Тошкент шаҳри**

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи оддий акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу карор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тұгрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан куйидаги масалалар юзасидан кабул килинди:

**1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тұғрисида.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 23.07.2023 июлдаги 03/09-2-17/3005-сонли хати билан тавсия этилган “Корпоратив бошқарув қоидаларини” “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятига тадбиқ этиш.**

**Күн тартибидаги биринчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29-декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тұғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-422-сонли қарорининг 12-бандига мувофиқ устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органига тұланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзgartириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқулланғандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш ва бир ойлик муддатда мазкур тартибни жамиятлар уставларига киритиш чораларини кўриш белгиланган.

Шунингдек, Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 2024 йил 4 январдаги 02/093-17/18-сонли хати билан жорий йилнинг 25 январига қадар устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларининг уставларига ижроия органига тұланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзgartириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқулланғандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритишни назарда тутувчи ўзgartириш ва қўшимчалар киритишни таъминлаш сўралган.

Шунга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29-декабрдаги ПҚ-422-сонли қарорининг 12-бандидаги талаблардан келиб чиқкан ҳолда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси тайёрланган бўлиб, ушбу Уставни тасдиқлаш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, қарор қиласди:

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:**

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 29.07.2019 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамиятнинг фаолиятига Корпоратив бошқарув Кодекси жорий этилган.

Шу билан бирга, Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 23.07.2023 июлдаги 03/09-2-17/3005-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2023 йилдаги ПҚ-101-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат активларини бошқариш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича” Йўл харитасининг ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик тарафидан “Корпоратив бошқарув қоидалари” ишлаб чиқилгани ва ушбу Қоидаларнинг тавсияларини қабул қилиш ва уларга риоя этиш Жамиятнинг олий бошқарув органи томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгашининг 20.09.2023 йилдаги 6-сонли мажлисида Давлат активларини бошқариш Агентлиги тарафидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Корпоратив бошқарув қоидалари”нинг тавсияларини қабул қилиш ва ушбу тавсияларга риоя этиш масаласи маъқулланган ва ушбу масалани Жамиятнинг барча овоз берувчи акциялари Ягона акциядорининг муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори қарор қиласди:

1. Давлат активларини бошқариш Агентлиги тарафидан ишлаб чиқилган “Корпоратив бошқарув қоидалари” “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг фаолиятига тадбиқ этилсан.

2. “Корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларини “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан қабул қилинганлиги тўғрисидаги эълон шакли 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ижро органи (Мустафоев) “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан “Корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинганлиги тўғрисидаги ахборотни тегишли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия  
вазири ўринбосари

Б.Ходжаев